


**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**НАЦИОНАЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА
УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**



**ЕВГЕНИЙ КАРЛОВИЧ
БЕТГЕР
(1887 - 1956)**

**2003 ЙИЛ БЕТГЕРХОНЛИГИ
«Кутубхоналарнинг устуворлиги»
давра суҳбати материаллари**

**БЕТГЕРОВСКИЕ ЧТЕНИЯ – 2003
«Приоритеты библиотеки»
материалы круглого стола**

ТОШКЕНТ - 2003

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**НАЦИОНАЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА
УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

**2003 ЙИЛ БЕТГЕРХОНЛИГИ
«Кутубхоналарнинг устуворлиги»
давра суҳбати материаллари**

**БЕТГЕРОВСКИЕ ЧТЕНИЯ – 2003
«Приоритеты библиотеки»
материалы круглого стола**

ТОШКЕНТ - 2003

НОДЛОТЕКА

Сам. 331

№ 10 сурабоди

78.34(5y)

К96

**Илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими
ғомонидан тайёрланди**

Таҳрир кенгаши: И.З.Маминова, И.Е.Пугач.

Таржимонлар:

Д.Б.Бегимкулов,

Х.Маматрайимова

Переводчики:

Д.Б.Бегимкулов,

Х.Маматрайимова

К96

«Кутубхоналарнинг устуворлиги»: Давра суҳбати материаллари= «Приобретены библиотеки»: Материалы круглого стола /Таҳрир кенгаши: И.З.Маминова, И.Е.Пугач; Тарж.: Д.Б.Бегимкулов, Х.Маматрайимова. –Т., 2004. – 164 б.-(2003 Беттерхонлиги).

Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Муқова, тит. В., текст ўзб. ва рус. тилларида

ББК 78.34(5y)

Ушбу маъруза ва тезислар 2003 йилнинг 14 ноябрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган «Кутубхоналар устуворлиги» давра суҳбати иштирокчилари – Тошкент шаҳри кутубхоналари раҳбарлари, кутубхоначи-амалиётчилар, Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институти педагоглари фикр-мушоҳадалари асосида тайёрланди. Реферат, ахборот, нутқлар шаклида тузилган бу тўплам Республика-миз кутубхоначилиқ соҳаси жамоатчилиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди, деган умиддамиз

**©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси**

Сузбоши

Жуиқин узгаришлар асрида ҳамма нарсa, шу жумладан, кутубхонанинг вазифаси ҳам узгармоқда. Янги жамиятнинг ахборот инфракүрилмасида ўрнини йўқотмаслик учун эса, даврдан орқада қолмаслик муҳимдир.

XXI асрдан кутубхоналар нимани кутмоқдалар? Анъанавий кутубхонанинг инқирози ва улар қоғозга босилган китоб билан бирга йўк бўлиб кетиши муқаррарми? Балки кутубхоналар кейинги юз йилликка ривожланган ҳолда кириб борар?

Республика кутубхоналарининг янги, ноанъанавий вазифалари ортида нималар турибди, улар фаолиятига нимани киритиш мумкин ва улар қандай киритилади? Бу каби масалалар миллий-маданий сиёсат ва жаҳон кутубхоначилик тажрибаси контекстида анъанавий бўлиб қолган «Бетгерхонлик» доирасида «Кутубхоналарнинг устунлиги» давра суҳбагида муҳокама қилинди.

Бетгерхонлик ўқишларининг мақсади ҳозирги жамият кутубхоначилик фанлари ўқитувчилари, олимлар ва амалиётчи-кутубхоначилар инфратузилмасида кутубхонанинг ҳозирги жамиятда тутган ўрни ва ролини аниқлаш ишида бирлаштиришдир.

«Бетгерхонлик ўқишлари»нинг ташкилотчилари ва иштирокчилари давра суҳбатини тапқил этиш ва ўтказиш билан ўзбек кутубхонашунослиги, библиографияшунослиги ва китоб тарихининг яратилиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган Ўрта Осиёнинг машҳур кутубхонашуноси ва библиографи Евгений Карлович Бетгер шахсияти ва унинг илмий меросига яна бир бор

чуқур ҳурмат ва иззаг-эҳтиром изҳор этдилар.

Давра суҳбати 2003 йилнинг 14 ноябрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббуси билан кутубхонанинг илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими ташкилотчилигида утказилди.

Унинг ишида Ўзбекистоннинг илмий, тармоқли, оммавий, олий ўқув юртига оид кутубхоналарининг вакиллари, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг профессор-ўқитувчилари таркиби иштирок этдилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан - кутубхона директори А.О. Умаров, илмий ишлар бўйича директор муовини И.З.Маминова, кутубхоначилик иши бўйича директор муовини А.Р. Ҳакимов, илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими мудир И.Е.Пугач, ёшлар ахборот маркази мудир Л.Б.Горбунова, илмий-методика бўлими мудир Т.С.Егорова, маданият ва санъат бўйича илмий ахборот бўлими мудир Қ.Н.Каримова, тўқислаш бўлими мудир М.А.Йулдошева, автоматлаштириш бўлими мудир, иқтисод фанлари номзоди, катта илмий ҳодим Н.М.Мардиев, тўқислаш бўлимининг бош библиографи Ш.Д.Алимов; Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтидан - доцент Ш.М.Шамсиев, педагогика фанлари номзоди, доцент М.Ҳ.Маҳмудов, педагогика фанлари номзоди, доцент М.М.Туропов, педагогика фанлари номзоди, доцент Х.Маматраимова, тарих фанлари номзоди, катта ўқитувчи И.В.Долгополова, катта ўқитувчи А.П.Коваленко,

ўқитувчи С.Р.Аракелов; Давлат илмий тиббиёт кутубхонасидан - кутубхона директори Ф.В. Болкунова, илмий библиография бўлими мудири Л.И.Волошина, Илмий ишлов бериш бўлими бош кутубхоначиси Н.Н.Урозова, автоматлаштириш бўлими бош кутубхоначиси Н.А. Аъзамова, хизмат курсатиш бўлими бош кутубхоначиси Л.П. Гостева; Республика болалар кутубхонасидан - илмий ишлар бўйича директор муовини Г.Е.Бердимбетова; Очиқ ҳукукий ахборот кутубхонаси директори О.И. Стальбовский; Ўз РФА Асосий кутубхонаси илмий методика бўлими мудири О.А. Логинова; «Турон» Тошкент вилоят кутубхонаси илмий-методика бўлими мудири Г.М. Афанасьев; олий ўқув юртлари кутубхоналаридан Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонаси директори Т.А. Слинко, Тошкент Давлат технология университети асосий кутубхонаси директори Ф.Б. Болтахонова. Шунингдек, матбуот вакиллари, «Тошкент оқшоми» газетаси мухбири С.Умарова иштирок этдилар.

Услуби, шакли ва ҳажми турлича аммо, миллий маданиятнинг ривожланиши доирасида кутубхона қандай бўлиши лозим, унинг вазифаси шаклланишидан асосий мақсад қандай, янги минг йиллик кутубхоначиси қандай бўлиши кераклигини ишлаб чиқишдек ягона мақсад қўйилган 20 дан ортиқ маъруза ва ахборотлар тингланди.

Давра суҳбати иштирокчиларининг маърузалари, чиқиш баёнлари, ахборотлари ушбу китобга муаллифлар тақдим этган шаклда ва тилда киритилди. Рус тилидаги материалларга ўзбек тилида аннотация берилди.

Давра суҳбатидаги чиқишлар ушбу гулпамнинг асосий бўлимларини ташкил этган қуйидаги бўлимларга бўлинган:

1. Кутубхона миллий маданиятнинг ривожланиши контекстида.

Бу бўлимда «Бетгерхонлик» иштирокчилари «Кутубхоналар - жамият хизматида: мақсадни аниқлаш ва амалга ошириш»; «Республикада кутубхоначилик ишини ҳуқуқий бошқариш - кутубхоначилик сиёсатининг йўналишларидан бири»; «Кутубхона ва ҳокимият. Ҳамкорлик белгилари»; «Кутубхоналарнинг коммуникация сиёсати»; «Кундалик маркетинг ва кутубхонанинг вазифаси»; «Оммавий ҳуқуқий кутубхонанинг ижтимоий миссияси»; «Кутубхоначиликка оид зарур меъёрий ҳужжатлар керак» ва ҳ.к. мавзуларида тақдим этилди.

2. Кутубхона ахборот технологияларининг ривожланиш даврида.

Бу бўлимга қуйидаги маърузалар киритилди: «Ахборот маданияти - кутубхонанинг ривожланиш шarti»; «Олий ўқув юртлири кутубхоналари автоматлаштириш ва компьютерлаштиришдаги янги қадамлар»да «Интернетнинг ҳозирги босқичда болалар ва ўсмирлар ўртасида таълимнинг ривожланишидаги роли»; «Янги ахборот шаронгида умумий ва тармоқ библиографик ресурсларининг мазмуни»; «Аутсорсинг - кутубхоначилик ишини ташкил қилишда» ва б.

3. Ўзбекистон Республикасида кутубхоначилик ишининг ривожланиш тарихидан.

Бу бўлимда қуйидаги маърузалар «Евгений

Карлович Бетгер ва Ўзбекистонда кутубхоначи кадрлар тайёрлаш»; «Бетгернинг кутубхоначилиги ишлари ривожлантириш ва Ўзбекистон миллий библиографиясини ташкил қилишга қўшган ҳиссаси» мавзулари киритилди.

Тўпلامга илова қисмларда Евгений Карлович Бетгерни шахсан биладиган, Россия фанлар Академияси Археологик комиссиясининг фахрий раиси, Россия Академияси академиги Сигурд Оттович Шмидтнинг табриқ хати матни келтирилган.

Тўпловчилар

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингизни сураймиз:

*700047, Тошкент шаҳри, Хоразм кучаси, 51
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими.*

ПРЕДИСЛОВИЕ

В век динамических изменений меняется всё, меняется сама миссия библиотеки и очень важно не отстать от времени, чтобы не потерять ключевых позиций в информационной инфраструктуре нового общества.

Что ждет библиотеки в XXI в.? Кризис традиционных библиотек и их неизбежное исчезновение вместе с книгой, напечатанной на бумаге? А может быть, библиотеки войдут в следующее столетие процветающими?

Что стоит за новыми, нетрадиционными функциями библиотек республики, что и как привносятся в их деятельность – обсуждалось на Круглом столе «Приоритеты библиотек» в рамках ставших традиционными, «Бетгеровских чтений» в контексте национальной культурной политики и мирового библиотечного опыта.

Цель Бетгеровских чтений - консолидация ученых, преподавателей библиотечных дисциплин и библиотекарей-практиков в деле определения роли и места библиотеки в инфраструктуре современного общества.

Организацией и проведением круглого стола участники и организаторы Бетгеровских чтений ещё раз выразили глубокое уважение и почтение к научному наследию и личности выдающегося среднеази-

атского библиотековеда и библиографа Евгения Карловича Беттера, внесшего большой вклад в становление и развитие узбекского библиотековедения, библиографоведения и истории книги.

Круглый стол был проведен 14 ноября 2003 года по инициативе Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, организатором его стал Отдел научных и маркетинговых исследований библиотеки.

В работе приняли участие представители научных, отраслевых, вузовских и публичных библиотек Узбекистана, профессорско-преподавательский состав Ташкентского государственного института культуры имени Абдуллы Кадыри.

Из Национальной библиотеки им. Алишера Навои – директор библиотеки А.А.Умаров, зам. директора по научной работе И.З.Маминова, зам. директора по библиотечной работе А.Р.Хахимов, зав. отделом научных и маркетинговых исследований И.Е.Пугач, зав. сектором Д. Доспанова, зав. молодежным центром Л.Б.Горбунова, зав. научно-методическим отделом Т.С.Егорова, зав. отделом научной информации по культуре и искусству К.Н.Каримова, зав. отделом комплектования М.А.Юлдашева, зав. отделом автоматизации, канд.экон.наук Н.М.Мардиев, гл.библиотекарь отдела комплектования Ш.Д.Алимов; из Ташкентского государственного института культуры им. Абдуллы Кадыри - профессор Э.Ю. Юлдашев, зав. кафедрой «Библиографии» Ш.М.Шамсиев, канд.пед.наук, доц. М.Х.Махмудов, канд.пед.наук, доц. М.М.Туропов, канд.пед.наук, доц. Х.Маматраимова, канд.истор.наук, доц. И.В.Долгополова,

преподаватели – А.П.Коваленко, С.Р.Араксенов.; из Государственной медицинской библиотеки – директор библиотеки Ф.В.Болкунова, зав. отделом научной библиографии – Л.И.Волошина, гл.библиотекарь отдела научной обработки – Н.Н.Уразова, гл. библиотекарь отдела автоматизации Н.А.Агзамова, гл. библиотекарь отдела обслуживания – Л.П.Гостева; из Республиканской детской библиотеки – зам. директора по научной работе Г.Е.Бердимбетова; директор Открытой библиотеки правовой информации О.И.Стальбовский; зав. научно-методическим отделом Фундаментальной библиотеки Академии Наук Узбекистана О.А.Логинова; зав. научно-методическим отделом Ташкентской областной библиотеки «Турон» Г.М.Афанасьев; из вузовских библиотек - директор библиотеки Ташкентского института информационных технологий Т.А.Слинко; директор библиотеки Ташкентского государственного технологического университета Ф.Б.Болтаханова. В работе круглого стола принимали участие представители прессы С.Умарова - корреспондент газеты «Тошкент окшоми».

Было заслушано более 20 докладов и сообщений, различных по стилю, форме и объёму, но вместе с тем ставящими одну задачу: какой должна быть библиотека в контексте развития национальной культуры, каковы её главные цели при формировании миссии и разработки стратегии адаптации к новым условиям, каким должен быть библиотекарь нового тысячелетия.

Выступления были распределены по следующим блокам:

1. Библиотека в контексте развития национальной культуры.

В этом блоке участниками «Бетгеровских чтений» были предложены следующие темы: «Библиотека на службе обществу: определение и реализация миссии»; «Правовое регулирование библиотечного дела в республике одно из направлений библиотечной политики»; «Библиотека и власть. Ориентиры взаимодействия»; «Кутубхоналарнинг коммуникация сиёсати»; «Ежедневный маркетинг и миссия библиотеки»; «Социальная миссия публичной правовой библиотеки»; «Кутубхоначилилга оид зарур меъёрий хужжатлар керак»; и. т. д.

2. Библиотека в эпоху развития информационных технологий.

В данный блок вошли следующие сообщения: «Информационная культура как условие развития библиотеки»; «Новые шаги в автоматизации и компьютеризации вузовских библиотек»; «Роль Интернет в развитии образования на современном этапе среди детей и подростков»; «Содержание общих и отраслевых библиографических ресурсов в новой информационной среде»; «Аутсорсинг в организации библиотечной работы»; и.т.д.

3. Из истории развития библиотечного дела в республике Узбекистан.

По данному разделу были представлены следующие доклады на тему: «Евгений Карлович Бетгер ва Ўзбекистонда кутубхоначи кадрлар тайёрлаш»; «Бетгернинг кутубхоначилиги ишини ривожлантириш ва Ўзбекистон Миллий библиографиясини ташкил қилишга қўшган хиссаси».

В сборнике приводится текст письма -

приветствия от почетного председателя Археологической комиссии Российской Академии Наук, академика Российской Академии Образования Сигурда Оттовича Шмидта, лично знавшего Евгения Карловича Бетгера.

Надеемся, что предлагаемый сборник материалов представленных в виде докладов и сообщений, кратких «рефератов», прозвучавших на круглом столе, будет иметь ознакомительный характер и станет полезным для библиотечной общественности республики.

Статьи и тезисы включены в той форме и на том языке, в каком они были представлены авторами, к материалам на русском языке даны аннотации на узбекском и на русском языках.

Отзывы и пожелания просим направлять по адресу:

700047, г. Ташкент, ул. Хорезмская, 51.

Национальная библиотека Узбекистана
им. Алишера Навои.

Отдел научных и маркетинговых исследований.

Телефон для справок: (99871) 139-4542; 139-4341

E-mail: navoi@physic.uzsci.net;
 nio_nav@uzsci.net

Приветствие

Почетного председателя Археографической комиссии РАН академика Российской академии образования *Сигурда Шмидта*

Руководителям и участникам научной конференции Бетгеровские чтения!

Отрадно, что продолжается традиция организации научных конференций памяти выдающегося книговеда и востоковеда Евгения Карловича Бетгера. Степень уважения к историко-культурному наследию и к деятельности предшественников всегда является показателем уровня культуры наших современников.

Отец мой Отто Юльевич Шмидт, товарищ Евгения Карловича по Киевскому университету, не раз с большим уважением и душевной симпатией говорил о нем. И, когда Институт мировой литературы Академии наук, где работала мама, эвакуировали в Ташкент, передал со мною письмо Евгению Карловичу, который любезно и заинтересованно беседовал со мною, ставшим тогда студентом историко-филологического факультета САГУ.

Как ответственный редактор Археографического ежегодника, готов опубликовать там статью Е.К. Бетгера о редком издании с автографом Евгения Болховитинова или обзор материалов архива ученого об этом. Светлана Николаевна Маторина согласилась помочь в этом и написать о Е.К. Бетгере и его трудах для нашего издания.

Новых Вам свершений.

13 ноября 2003 г. Москва.

1. БИБЛИОТЕКА В КОНТЕКСТЕ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

Мутолаа маданияти – тараққиёт омили

А.О.Умаров–

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутуб-
хонаси директори, Ўзбекис-
тон Кутубхоналар Ассоциа-
цияси раиси

Высокая культура чтения, умение ориентироваться в информационном пространстве – залог развития личности. В свою очередь, всесторонне развитые, интеллектуально богатые люди являются локомотивами общественного прогресса, создателями не только духовно, но и материально благополучной жизни. В этом взаимозависимом процессе такие общественные институты, как библиотеки играют огромную роль.

Китоб мутолааси ва китобхонлик жараёнларини оптималлаштириш ҳар қандай жамиятнинг умумий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида пойдевор вазифасини утайди, уни сифат жиҳатидан янги босқичларга кутаришда муҳим аҳамият касб этади. «Халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизациясининг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир, деб таъкидлайди Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримов. - «Фақат ана шу асосдагина, олдимизга қўйилган юксак мақсадлар барчамиз учун ҳаётимизнинг мазмунига айланиб қолгандагина, миллатнинг онгли ватанпарварлик руҳини юксалтириб, ривожланган илғор мамлакатлар каби тараққиёт йулидан илдам қадам ташлаш имкони туғилади»¹.

Истиқлол йулидан собитқадам бораётган Ўзбекистон Республикасида таълим тизими соҳаси-даги ислохотлар изчил ва самарали тарзда амалга оширилмоқда. Жамиятимизда руй бераётган маънавий тикланиш, фан ва маданиятни юксалтириш жараёнлари давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида юқори савиядаги таълим-тарбия натижалари ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланишни рағбатлантириш асосига қурилмоқда. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғри-сида»ги қонун, маънавият, маърифат ва маданиятни ривожлантириш ҳақида қабул қилинган қатор директив ҳужжатлар таълим тизимининг ижтимоий воқеликдаги мавқеини оширишнинг ҳуқуқий-назарий пойдевори булиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда интернетнинг китоб мутолааси тизимига кириб келиши кутубхоначилик соҳасининг ҳам глобаллашув жараёнларига қўшилишига сабаб бўлди.

Глобаллашув жараёнларининг барча мам-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997, - 215-бет.

лакатларда таълим тизимини янги сифат юксакликларига олиб чиқишдан иборат катта имкониятларини эътироф этган ҳолда, унинг асосий негизий мақсади таълим-тарбия муаммоларини ҳал этиш вазифаларини муайян миллий манфаатлар ва миллий-маънавий қадриятлар узанида эмас, балки стандартлашган умумжаҳон тараққиёт йуналишларида амалга оширилишига урғу берилишини ҳам таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Зеро, юртбошимиз томонидан асослаб берилган миллий маънавий яхлитликни сақлаб қолган ҳолда ижтимоий такомилга эришишнинг босқичма-босқич, эволюцион тараққиёт усули аҳолининг турли табақалари томонидан маънавий меросни узлаштириш даражасини кутариш, миллий-маънавий яхлитликни сақлаб қолиш, пировард натижада эса, комил инсон шахсини таркиб топтиришга йуналтирилганлиги билан диққатга сазовардир. Бу борада мутолаа маданиятининг урни беқиёс ҳисобланади.

Баркамол инсон шахсини таркиб топтириш вазифалари кенг қамровли жараён бўлиб, уни амалга ошириш бир неча йуналишлар бўйича ҳал этилиши зарур. Улардан бири жамиятда мутолаа маданияти-ни юксалтириш, комил инсонни шакллантириш жараёнида унинг узига хос ўрнини ва катта потенциал имкониятларини ўрганиш ҳамда бу имкониятларни амалиётга тағбиқ этиш йуналишидир.

Афсуски, маърифий тизимда катта имконият-ларга эга бўлган китобхонлик ва мутолаа омил-ларининг комил инсон шахсини

таркиб топтириш-даги ўрни ва роли масалаларини тизимий тадқиқ этиш, мазкур жараёнларни изчиллик билан такомиллаштиришга доир ёндашувлар, амалий чоратадбир-лар таҳлили ва синтези илмий эътибордан четда қолмоқда.

Бизнинг ушбу муаммони урганиб чиқишимиз шуни курсатди-ки, мутолаа маданияти, китобхонлик самарадорлиги ва ўқиш психологияси, бу ҳодисалар-нинг инсон тарбиясида тутган ўрни масалалари турли мамлакатлар ва минтақаларда асосан муайян, у ёки бу муаммони ҳал этишдаги ёндош масала сифатида, таълим жараёнларини оптималлаштириш омилларидан бири сифатида қаралиб, уларга муносабат билдириб келинган. Дунё тараққиётининг буғунги шиддаткор суръати, инсониятнинг интеллектуал-информацион давр муҳитида яшаётганлиги, умумий онг даражаларининг юксалганлиги, китоб-хонлик, мутолаа маданияти муаммосининг илмий ҳал этилиши масаласини долзарб вазифа сифатида кун тартибига чиқазди. Шу боисдан ҳам бу мавзунини урганиш муҳим илмий ҳамда умумжамиyat аҳамияти-га молик долзарб ижтимоий-маънавий зарурат дара-жасидаги масала ҳисобланади. Мазкур мавзунини чуқур урганиш, унинг шаклланиш йўлига тарихан назар солиш, ўришилган ютуқ ва камчиликларни илмий-социологик таҳлил этиш, таълим тизими, ўқиш ҳолатлари, мутолаа жараёнларини маданий мезонлар билан уйғун ҳолда куриб чиқиш мутолаа маданиятини шакллантиришда хорижий тажрибалар ҳамда миллий анъаналардан

мутаносиб фойдаланиш имкониятларини, менталитет узига хосликларини эътиборга олишни талаб этади.

Маълумки, маданият тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаблардан бири – мазкур ҳодиса турмуш тарзининг деярли барча соҳасига кириб бориб, инсон ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлаётганидир. Шу жумладан, жамиятда мутолаа маданиятининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланишида ҳам умумий маданиятнинг, яъни аҳолининг ялпи ижтимоий, иқтисодий, маънавий тайёргарлиги юксалганлик даражасининг урни ва роли беқиёсдир. Шундай қилиб, қайд этиш жоизки, мутолаа маданияти умумий маданиятнинг ҳосилавий кўринишидир.

Мутолаа маданияти эса уз навбатида китобга қизиқиш, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбати, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, ахборот манбаларидан гулик фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади.

Мутолаа маданияти кишининг манбани тула-қонли тушуниши, ундан эстетик завқ олиши, муаллиф фикри ва Ғоясини англаши ҳамда уни баҳолай олиши каби хусусиятларга эга бўлишини таъминлайди. Бундан гашқари китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, узини қизиқтирган масалаларга доир манбаларни топиб олиш ва ундан ўқишда, ишда, ҳаётда фойдаланиш

йўлларини ўргатади. Китобни танлаш, уни тез ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради. Демак, мутолаа маданияти инсонни бевосита амалиётга киришиш, ҳаёг билан уйғунлашиш, маънавий фойда олишга йўналтиради.

Мутолаа” сузи аслида арабча «ўқиш» деган маънони англатса-да, бизнингча, бугунги кунда мутолаа маданияти китоб ўқишдан кўра кенгрок тушунчани англатмоқда. Мутолаа маданияти, ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йўналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмунни ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, меъёрлар, ижтимоий ҳодисалар ва бошқа атрибутлардир. Айни чоғда мутолаа маданиятини таълим тизимлари орқали махсус шакллантирадиган ихтисослашган маълумотни инсон ҳаёти давомида турли манбалар – китоблар (бадий, илмий, ўқув, энциклопедик ва бошқа), оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва шу кабилар), замонавий ахборот технологиялари (интернет, электрон газета, журнал, қўлланма ва ҳоказолар), шунингдек субъект билан бевосита мулоқотга киришувчи шахслар (оила аъзолари, иш ёки ўқиш жойидагилар, қўниқўшиллар ва бошқа инсонлар) орқали эга бўлинадиган турли йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотдан фарқлаш лозим бўлади.

Демак, мутолаа маданиятининг муҳим таркибий жиҳати ундаги ихтиёрийлик, таълим олишдаги англаш, фаолиятни эркин танлаш, такомиллашувга бўлган онгли рағбат, ички даъват тамойиллари бўлиб, улар инсон тараққиёти учун узига хос ҳаракатлантирувчи омиллар саналади.

Мутолаа маданиятини урганишга бағишланган тадқиқотларнинг деярли барчасида мазкур ҳодиса китоб – китобхон – кутубхона” тизимидан иборат, деб қаралади. Мазкур жараён объект – субъект – объект” йуналишларида тадқиқ этилади. Мутолаа маданияти мутолаа технологияси, мутолаа даражаси ҳамда мутолаа интенсивлиги тизимида тадқиқ этилмайди. Ёки мазкур тизим ясовчи белгилар алоҳида-алоҳида, яъни муайян уйғунликсиз талқин этилаётир. Бу эса мутолаа маданияти ҳодисасини урганиш жараёнларини пировард нагжиага йуналтиришга монелик қилиб келмоқда. «Объект – субъект – объект» тизими «субъект – субъект – объект» тизими билан уйғунлаша олмаслиги табиийдир. Апа шу анъанавий объект – субъект – объект” тизимида китоб – китобхон, муаллиф – китобхон, китобхон – кутубхоначи, тажрибали китобхон – тажрибаси кам китобхон муносабатлари тарзида урганишга эътибор қаратилмайди.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт натижаларига кўра ижтимоий субъектга қараганда ижтимоий объект урнини сунъий равишда оширишга уриниб келган марксча назария ва тоталитар мафкура инқироз-га учради. Мустақиллик натижасида

мамлакатимизда илм-фан тараққиеги эркинлик моҳиятини касб этган бўлишига қарамай, кутубхонашунослик ҳамда мутолаа сошиологияси, психологияси йуналишлар-ридаги илмий тадқиқотларда ҳамон юқорида айтилган камчиликлар давом этмоқда. Биз мутолаа ҳодисасини «субъект – субъект – объект» тизимида тадқиқ этиш тарафдоримиз. Зеро, рус олими Н.А.Рубакин XX асрнинг бошида айтиб утганидек, ҳар қандай китоб инсон учун, инсон китоб учун эмасдир”².

Мутолаа маданияти мураккаб, кўпқиррали ҳодиса бўлиб, бир неча ташкилий элементлардан иборат. Булар қуйидаги йуналишларга эга: мақсад-лар, эҳтиёжлар, мутолаа маданияти манбалари, мутолаа маданиятини амалга ошириш субъектлари, мутолаа маданиятининг субъект-субъект тизими (кутубхоначи - китобхон, муаллиф - китобхон, китобхон - китобхон).

Кўриниб турибдики, жамият ҳаётида, айниқса соғлом фикрга эга комил инсонни шакллантиришда мутолаа жараёнларини мақбул йуналишда ва усулларда шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жабҳада кутубхоналарнинг урни шубҳасиз беқиёс-дир. Зеро, кутубхонанинг асосий мақсади китобхон шахсини ҳар томонлама камолотга етказишдир.

Кутубхона узининг барча воситалари орқали китобхонларнинг ўқиш характериға ва

² Рубакин Н.А. Среди книг. – В изб. произв. Т.1. М.: Книга”, 1975. – 132-стр.

мутолаа орқали тарбияланишига катта таъсир курсатади, яъни китобга ва уни ўқишга қизиқиш уйғотади, китобхонлар талабини шакллантиради, қизиқишни тарбиялайди, китобга меҳр уйғотади.

Кутубхона мустақил равишда китоб танлашни ва шу китобдан билим олиш йўлларини, ўқиган нарсалар ҳақида фикр юритишни ва унга танқидий қарашни, шу билан бирга китобларни тартибли равишда ўқишни ўргатади.

Жамиятнинг умумий ривожига кутубхоналар-нинг муҳим аҳамиятини ёдда тутган ҳолда иқти-содин ва ижтимоий соҳадаги ислохотларни ҳам режали асосда, узоқни кузлаган ҳолда жамиятнинг бопқа тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, фан-техника ютуқлари ва жамият-нинг ялпи тараққиёти фуқароларда китобхонлик ва умуман мутолаа маданиятини ривожлантириш заруратини кун тартибига чиқазди ва бу жараёнлар кўп жиҳатдан замонавий ахборот технологиялари билан, энг муҳими эса, ахборот билан таъминланлик ва уларни оператив узата билиш даражасига боғлиқ бўлиб қолди.

Хуллас, янги мингйилликда шахснинг баркамол инсон бўлиб етишиши ва ўз фаолияти билан жамият тараққиётини таъминлашида кутубхоналарнинг, ай-ниқса янгича қиёфа касб этган, янгича имконият-ларга эга бўлган кутубхоналарнинг урни алоҳида-дир.

Библиотека на службе обществу: определение и реализация миссии

И.З. Маминава –

зам. директора по научной ра-
боте Национальной библиотеки
Узбекистана имени Алишера На-
вои

Кутубхоналар вазифаларининг назарий ва амалий масалалари, турли идораларга қарашли кутубхоналар вазифаларининг белгилаб олини ва шакллантириши жиҳатидан мутахассисларнинг хорижий тажрибаси таҳлил этилади. Миллий кутубхона ва бошқа илмий кутубхоналарнинг мазкур масала юзасидан асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширилишига доир иш тажрибасига алоҳида эътибор қаратилади.

Рассматриваются теоретические и практические вопросы миссии библиотеки. Практика и опыт формирования и определения миссии библиотек различных ведомств, зарубежный опыт специалистов в плане определения миссии. Уделяется внимание миссии Национальной библиотеки и других научных библиотек на основе опыта их работы по реализации основных целей и задач по данному вопросу.

Становление Узбекистана как независимого суверенного государства, вхождение его в мировое сообщество ориентировали страну на новый путь развития и тем самым обусловили кардинальные изменения во всех сферах деятельности, в том числе и в библиотечном деле. Коренные преобразования, произошедшие за годы независимости, были направлены на построение демократического государства, укрепление и развитие экономического потенциала

страны, сохранение и развитие общечеловеческих ценностей, национального самосознания.

Неотъемлемой частью национальной культуры являются Библиотеки – сокровищницы знаний, а информация, накопленная ими – национальным информационным ресурсом. Библиотеки занимают важное место в новой социокультурной ситуации, сложившейся в независимой республике, их основные функции – это сбор и распространение информации и знаний.

Информационные технологии активно внедряются во все сферы библиотечной деятельности. У библиотек есть особая роль в информационную эпоху, роль, которая связана с социальным и политическим устройством того сообщества, которому они служат. Библиотеки располагают огромным потенциалом и уникальными возможностями, отвечают насущным потребностям, технологиям и ценностям общества. Запросы и интересы пользователя при умелом управлении становятся той энергией, которая будет подпитывать ресурсы библиотек и их деятельность.

В современном библиотечном мире создание стратегии эффективного взаимодействия с обществом невозможно без планирования процесса работы в библиотеках. По утверждению Дарлин Э. Уэйнганд «начальным этапом в процессе планирования является необходимость сформулировать *«миссию библиотеки»*. Это трудоёмкий и долгий процесс, складывающийся из анализа и сопоставления самой деятельности библиотеки. Определение миссии библиотеки должно отвечать на вопросы: «Зачем? Зачем существует? Зачем обслуживает? Почему действует

именно так?».

За рубежом вопросы управления, искусство планирования библиотечной деятельности, формирование миссии разрабатываются довольно давно и имеют устойчивую практику. В библиотечном деле республик бывшего СССР почти не имелось исследовательских разработок, как в практическом, так и в теоретическом плане. Авторы, занимающиеся данными разработками, как и каждая отдельная библиотека, трактуют определение миссии по-своему, исходя из опыта деятельности библиотек, их основных функциональных обязанностей. Таким образом, в мировой библиотечной практике миссия библиотек определяется и трактуется по-разному. Приведем несколько примеров определения миссии:

- Это осознанная, продуманная временем необходимость выразить кратко и, в тоже, время ёмко предназначение своей библиотеки, которое отличается от других. Именно миссия позволяет продемонстрировать общественности, чем может быть ей полезна библиотека, к чему она стремится, какие средства может и готова использовать для достижения поставленных целей. Оценивая свою миссию, мы оцениваем свою библиотеку как ворота в мир информации без границ. (Н. Семилет);

- Предоставление информационных ресурсов и создание среды, которая способствовала бы интеллектуальному, эмоциональному и социальному развитию пользователей. (Миссия Центральной библиотеки для детей г. Николаева);

- Миссия библиотеки заключается в её культурном и маркетинговом назначении (Ю.Д.Гурсев). Далее автор обосновывает теоретическую основу гу-

манистической миссии библиотеки как храма культуры;

- Директор Российской государственной библиотеки В.В.Федоров отмечает, что традиционным и необходимым для любой библиотеки является формирование собственной миссии, которая для РГБ включает: *собираение, сохранение и предоставление в пользование обществу универсального фонда документов, отражающих знания человечества и имеющих, прежде всего, отношение к России и её национальным интересам;*

- Белорусская сельскохозяйственная библиотека формирует свою миссию следующим образом: *«обеспечить транснациональный доступ к мировым информационным ресурсам по вопросам АПК, организовать высокопрофессиональное информационное обслуживание пользователей библиотеки, интегрировать национальную отраслевую систему информации в мировое информационное пространство, создать национальное информационное пространство, обеспечить сохранность документальной памяти Белоруссии в области АПК и доступ к ней во времени и пространстве»;*

- Миссия библиотек вузов формируется следующим образом: *«с помощью государства и высшего учебного заведения создать необходимые условия, как для пользователей, так и для сотрудников с тем, чтобы пользователь смог оперативно, качественно, полно, содержательно получить необходимый ему источник или информацию как на традиционных, так и не на традиционных носителях информации. Другими словами, миссия библиотеки Вуза – это содействие вузу в выполнении учебно-воспитательного*

процесса и научно-исследовательских работ, в подготовке высококвалифицированных специалистов и гуманизации образования.

Таким образом, каждая библиотека должна сформировать свои долгосрочные стратегические цели и задачи, т.е. для чего она существует, кто будет её пользователями в ближайшие 10-15 лет, и чего они хотят достичь, выполняя и реализуя эти цели.

Национальная библиотека Узбекистана им. Алишера Навои стремится осмыслить свою миссию, новую роль в обществе, выделить приоритетные направления своей деятельности. К числу основных функций, выполняемых Национальной библиотекой и закрепленных в определении её миссии, является *формирование, хранение и предоставление пользователям наиболее полного собрания национальных, т.е. вышедших в республике документов, а также научно значимых материалов опубликованных в мире об Узбекистане и его народе.* Кроме того, как крупнейшая универсальная научная библиотека республики Национальная библиотека традиционно наиболее полно формирует фонд по всем отраслям знания на узбекском языке, а также на русском и иностранных языках. Другими словами, *миссия Национальной библиотеки формулируется таким образом: собирание, сохранение и предоставление в пользование обществу наиболее полного собрания национальных документов, а также универсального фонда научно значимых материалов, отражающих знания человечества и имеющих, прежде всего, отношение к Узбекистану и его национальным интересам.*

Что же такое миссия библиотеки? По мнению

В.Г.Дригайло – «это та роль, которую выполняет и должна выполнять в обществе библиотека, т.е. функции, которые ставятся библиотекой, исходя из целей и задач, обществом, ведомствами, организациями, учреждениями, которым подчинены библиотеки».

По утверждению того же автора «миссия библиотеки определяется, в первую очередь, обществом, потом законами и регламентирующими документами, а также зависит от организаций, в подчинении которых находится». Так общую миссию библиотек в Республике Узбекистан должен определять Закон Республики Узбекистан «О библиотечном деле», проект которого находится в данный момент на рассмотрении в Кабинете Министров республики. Закон ставит перед библиотеками задачу реализовать права граждан, общественных объединений, народов на свободный доступ к информации, свободное духовное развитие, приобщение к ценностям национальной и мировой культуры, а также на культурную, научную и образовательную деятельность.

При подготовке законопроекта о библиотечном деле специалисты республики опирались на разработки специалистов СНГ. Библиотечной Ассамблеей Евразии разработаны в 1994-2001 гг. соответствующие модельные документы, такие как *Модельный библиотечный кодекс*. Он включает три рекомендательных и модельных законодательных акта: «О библиотечном деле», «Об обязательном экземпляре документов», «О публичных библиотеках».

На международном уровне так же разработаны документы – *этические кодексы*, отражающие миссию библиотеки как социального института, её ответственность перед обществом и гарантии насе-

лению. Это «Манифест ЮНЕСКО о публичных библиотеках» (1994 г.), «Кодекс профессиональной этики российского библиотекаря» (1999 г.), «Кодекс этики украинского библиотекаря» (1996 г.), «Кодекс читателя», «Кодекс библиотекаря», «Манифест ИФЛА об Интернете», принятый 23 августа 2002 года.

Очень важно, чтобы в разрабатываемых Уставах и Положениях, каждой отдельно взятой библиотеки определялась её миссия. Структурные подразделения каждой библиотеки так же должны подтвердить свою миссию и отразить её в своих Положениях о структурных подразделениях.

Принципиально важно, что бы «определение миссии и генеральных целей библиотеки были поддержаны и приняты всеми сотрудниками, что позволяет соединить воедино и приблизить административно-управленческие и технологические проблемы к социальным ожиданиям каждого работника. Задача руководства библиотеки убедить сотрудников в их общественной значимости и гуманистической направленности повседневного труда».

Выше мы приводили примеры определения миссии различных библиотек, в том числе и по отношению к пользователям и их отдельным группам. Предлагаем на ваше рассмотрение еще одну формулировку миссии научной или вузовской библиотеки, которая, по мнению украинских специалистов, может быть сформулирована следующим образом: *«отбирать, комплектовать, систематизировать и обеспечивать доступ к информации пользователей и, в первую очередь, основной группе, а именно – сотрудникам учреждения, в ведении которого находится библиотека»*. Таким образом, формулировка миссии

должна учитывать основную группу пользователей, с которыми библиотека собирается работать и виды услуг, которые будут предлагаться им.

При составлении стратегических планов, долгосрочных программ и целей библиотеки должны исходить из формулировки: *«основные цели библиотек — это комплектование, доступ, внутреннее обслуживание, обучение пользователей, хранение фонда и его консервация, совместная деятельность, измерение эффективности работы»*. Учитывая основные цели стратегического плана, библиотеки должны составить краткосрочные планы своей деятельности с указанием точных сроков и исполнителей. Планы должны быть реалистичными, воспринимаемыми и обязательно согласованными.

Необходимо, чтобы интересы пользователей соответствовали формулировки миссии, отражали цели и задачи библиотеки. Вся будущая деятельность библиотеки строится на представлении миссии. Поэтому по утверждению специалистов *«именно миссия позволяет продемонстрировать общественности, каково предназначение библиотеки, к чему она стремится, какие средства может и готова использовать для достижения поставленных целей»*.

В плане реализации своей основной миссии перед библиотеками также встаёт ряд проблем, которые она может решить на должном уровне только при условии, если вышестоящие организации, за которыми стоит библиотека, оценят и осмыслят её значимость, поймут содержание миссии. Кроме того, успешная реализации и выполнение миссии зависит от уровня внедрения в библиотечку новых информационных технологий и новых инновационных мето-

дов работы, исходя из потребностей развития общества и пользователей.

Кутубхоналарнинг коммуникация сиёсати

М.Х.Маҳмудов -

*А.Қодирий номидаги Тошкент
Давлат Маданият институтининг
кутубхонашунослик кафедраси
мудир, педагогика фанлари
номзоди, доцент*

Рассматриваются вопросы коммуникативной политики библиотек в условиях рыночной экономики, это распространение своей деятельности и пропаганда своих потенциальных возможностей.

Бозор иқтисодиёти шароитида кутубхоналарнинг коммуникация сиёсати, жамият аъзолари уртасида уларнинг ўз фаолиятини тарғиб қилиши, имкониятларини курсатиши ва узаро алоқада бўлиш масалалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон кутубхоналари олдида турли хил мураккаб муаммолар пайдо бўлмоқда. Улар ичида энг асосийсиси кутубхона соҳаси мутахассисларини бу узгаришларга мослаша бориши, бозор иқтисодиёти қонунлари ва тамойилларига биноан кутубхона фаолиятини амалга оширишдир. Шунга кура истеъмолчига таъсир курсатиш, унга кутубхонанинг қандай хизматлар ва маҳсулотларга эга эканлиги ҳақида ахборот етказиш ва кутубхонага ташрифидан у қандай имкониятларга эга бўлиши ва бошқа ишларда коммуникация сиёсатининг аҳамияти ортиб боради.

«Коммуникация» сузи лотинча булиб, «булиш», «умумлаштириш», «боғлаш», «алоқада булиш» деган маъноларни билдиради. Кутубхоналарда бевосита коммуникация кенг қўлланилади. Буни биз кутубхона фонди ва унинг коммуникатив фаолиятида - яъни истеъмолчига етказиладиган билимлар манбаида, каталог ва картогекалардаги қиммагли ахборотларда, плакат ва буклетлардаги кутубхона ва уни хизматлари ҳақидаги маълумотларда, турли хил китоб курғазмаларида қўришимиз мумкин. Бевосита коммуникация эса, кутубхона ходимларини истеъмолчилар билан туғридан-туғри муомалада булишида ҳамда гуруҳли ва оммавий тадбирларда амалга оширилади.

Кутубхоналарда коммуникациянинг туртта йўналиши мавжуд булиб, улар қуйидагилардан иборат:

- кутубхона ходимларининг истеъмолчилар билан шахсий мулоқоти;
- кутубхоналарни жамоатчилик билан комплекс узаро алоқаси – «паблик рилейшнз» тадбирлари;
- реклама;
- соғлом «ички муҳитни» яратиш.

Ушбу мақолада коммуникациянинг юқоридаги йўналишлари орасида жамоатчилик билан узаро алоқа бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли шу масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Турли хил ахборот манбаларининг қўпайиши, ахборотга бўлган талабнинг ортиб бориши билан бирга кутубхоналарнинг жамиятдаги ўрни, уларни потенциал им-

кониятлари, энг муҳими – бошқа ахборот муассасаларидан фарқ қилувчи узига хос имкониятлари ва хизматларини кенг очиб бериш кутубхоналарнинг шу кунги сиёсати бўлиб қолмоқда.

Кутубхонашуносликка оид бир қанча мақолаларда кутубхонанинг потенциал имкониятларини жамият аъзоларига етказувчилар ва иш шакллари ҳақида бир қанча фикрлар билдирилган. Мутахассислар фикрича, биринчи навбатда кутубхона ўз китобхонлари – яъни кутубхонага қатновчи ва унинг имкониятларини билган ва унга ишонган кишилар билан узаро яқин мулоқотда бўлиши керак. Худди шу одамлар кутубхонанинг янги иш фаолияти, режалари ҳақида ҳар томонлама ахборот олишни истайдилар. Шу билан бирга, кутубхона «китобхон бўлмаган» одатлар гуруҳи билан мулоқотда бўлишга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим. Уларни ўқув зали ёки абонемент, ахборот хизмати, оммавий тадбирларга қатнашиш фойдали эканлигига ишонтира олинса, улар бўлғуси китобхонларга айланадилар.

Кутубхона ўзаро мулоқот олиб бориши лозим бўлган иккинчи муҳим гуруҳ, мутахассисларнинг фикрича, бу юқори ташкилотлар ва молиявий органларда ишловчилардир. Маданият соҳасида сиёсат яратувчилар, маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият раҳбарлари – ўз ҳудудларида кимларнинг кутубхона зарурлиги ва уни фойдаси ҳақида ҳеч қандай шубҳаларга бормасликларига эришиш керак. Бошқарувчилар ва молиячиларнинг кутубхонага ижобий қарашлари – кутубхонанинг моддий-техник муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам кутуб-

хона маҳаллий ҳокимият раҳбарлари билан яқин алоқа урнатиши, уларнинг асосий ахборот олувчи манбасига айланиши лозим.

Кейинги гуруҳга жамоатчилик фикрини яратувчиларни - жамоат ташкилотлари, турли бирлашмалар, уюшмалар, ҳар хил партияларнинг фаоллари, бизнинг шароитимизда эса, маҳалла оқсоқолларини ва фаолларини киригиш мумкин. Кутубхона бу ташкилот, уюшма ва бирлашмаларга ўз биносидида мажлислар, турли йиғилишлар ва учрашувлар ўтказишига имконият яратиши, уларни ўз тadbирларига таклиф этиши керак. Улар эса, ўз навбатида, ҳамфикрлари, аъзолари ўртасида кутубхона, уни имкониятлари ҳақида ижобий фикрлар туғдирадилар. Шу билан бирга кутубхоналарни машҳур шахслар билан яқиндан алоқада бўлиши ҳам кутубхона амалиётида кенг қўлланилмоқда. Масалан, америка кутубхоналарида машҳур кино юлдузлари, ёзувчилар, врачлар ва бошқаларнинг расмлари туширилган плакатлардан фойдаланилади, улар ҳаётида китоб ва кутубхонанинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари ҳам кенг тарғиб қилинади. Бу эса, улар мухлисларининг кутубхонага бўлган қизиқишларига ижобий таъсир кўрсатади.

Барча мамлакатларда энг фаол китобхонлар, бу - мактаб ўқувчиларидир. Шунинг учун ҳам улар кутубхона ҳақида энг гулиқ маълумотга эга бўлишлари керак. Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки - ўқувчилар бўлғуси катта ёшдаги китобхонлардир. Бу китобхонлар билан ишлаганда улар қалбида кутубхона ва китобга муҳаббат уйғотилиди катта кучга эга бўлган ўқитувчи-педагог гуруҳини ҳам унутмаслик керак.

Кутубхоналар фаолияти ҳақида ҳам ижобий, ҳам салбий баҳо берувчи ташкилот, бу – матбуотдир. Шунинг учун ҳам кутубхона унинг жуда кенг имкониятларидан фойдаланиши лозим. Матбуот жуда ҳам қудратли кучдир. Матбуот кутубхона фаолияти ҳақида жамоатчиликка турли хил ахборотларни етказиши мумкин, масалан: кутубхонанинг янги бинога кўчганлиги ҳақидаги, ўн мингинчи китобхон ҳақидаги, кутубхонанинг юбилей куни ҳақидаги, кутубхоначиларнинг маънафатли ва шонли меҳнатлари ҳақида китобхонларнинг фикрлари, кутубхона томонидан ўтказилган ва ўтказилмоқчи бўлган тадбирлар, учрашувлар ва ҳоказолар. Шу билан бирга «жанжаллик» ҳодисалар – кутубхонадан китоб ўғирланиши, кутубхонани сув босиши, иситилмаслиги, умуман кутубхона мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар ҳам жамоатчилик эътиборини жалб қилади.

Ва ниҳоят, мутахассислар фикрича, кутубхонанинг жамиятдаги ўрни, уни мавқеи, кутубхона раҳбарига ҳам боғлиқ. Амалиётдан маълумки, ўз ходимларига ва маҳаллий ҳокимият бошқарувида обрў-эътибори бўлган, шахс сифатида шаклланган кутубхона раҳбари, унинг турли муаммоларини, ташаббуссиз ва ҳеч бир жиҳатлари билан ажралиб турмайдиган раҳбарларга нисбатан тезроқ ҳал қила олади. Кутубхона раҳбари – жамият аъзоларига кутубхона тимсоли сифатида кўринишини унутмаслик керак.

